

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

57 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–292-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–292-сон Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 1 февраль,
26-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 1 февралдаги 26-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда):

а) 3-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида судга муурожаат қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда тугатиш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш»;

б) Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда (3-илова):

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияловчи органнинг аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш, беришни рад этиш, унинг амал қилишини тугатиш, унинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки лицензиянинг амал қилишини тиклаш, шунингдек уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади»;

4-банднинг иккинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банднинг биринчи хатбошидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банднинг иккинчи хатбошидан «амал қилишини» сўзлари чиқариб ташлансин;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

40 — 42-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 14-бандда:

«б» ва «г» кичик бандларидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандидаги «беш» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 26-банднинг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

г) 36-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 49-банднинг бешинчи хатбошидаги «орган» сўзидан кейин «ёхуд суд» сўзлари қўшилсин;

е) 52-банднинг олтинчи хатбоши ўзбек тилидаги матнда ўзгартирилмайди;

ж) 56-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«56. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

з) 57 — 59-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 9-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошидан ва «б» кичик бандининг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 12-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «тўрт баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 20-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

г) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

д) 25-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Лицензиат лицензияни қайта расмийлаштиргунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 21-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 24-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 35-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«35. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицен-

зияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

д) 36 — 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 22-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 25-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 36-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«36. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

д) 37-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (1-илова):

5-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади»;

10-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

25-бандга қўйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

27-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг еттинчи хатбошидан «амал қилишини» сўзлари чиқариб ташлансин;

39-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицен-

зияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

40-41-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (2-илова):

10-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

25-бандга қўйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

27-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг еттинчи хатбошидан «амал қилишини» сўзлари чиқариб ташлансин;

39-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

40-41-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 9-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 28-бандга қўйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 31-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 41-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«41. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

а) Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (1-илова):

5-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади»;

11-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

24-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

26-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

38 ва 39-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (2-илова):

4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади»;

10-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

23-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

25-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«36. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицен-

зияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

37 ва 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 20-банднинг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 32-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомилада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 12-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 26-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 29-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 40-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«40. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

д) 41-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда):

а) Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (1-илова):

3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб ту-

риш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўровнома йўли билан қабул қилиниши мумкин»;

9-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «уч баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

22-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

б) Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (2-илова):

4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўровнома йўли билан қабул қилиниши мумкин»;

10-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «уч баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

22-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

в) Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (3-илова):

3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўровнома йўли билан қабул қилиниши мумкин»;

8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

18-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

20-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

г) Авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (4-илова):

3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўровнома йўли билан қабул қилиниши мумкин»;

8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банднинг биринчи хатбошидаги «беш баравари» сўзлари «уч баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

20-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

д) Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (6-илова):

8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг учинчи хатбошидаги «тўрт баравари» ва «беш баравари» сўзлари тегишли равишда «уч баравари» ва «тўрт баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда):

а) Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (2-илова):

7-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (3-илова):

7-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицен-

зияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (4-илова):

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти унинг томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

7-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (5-илова):

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти унинг томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

7-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (6-илова):

2-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Комиссия фаолияти унинг томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

7-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандга қўйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

21-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг ягона электр энергетикаси тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади»;

б) 8-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 20-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

г) 22-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 33-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади»;

е) 34 ва 35-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 9-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «тўрт баравари» сўзлари «уч баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 20-банднинг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

г) 21-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик бўлади».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда) билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади»;

б) 8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 19-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

г) 21-банднинг биринчи хатбошидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

е) 33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 114-модда):

а) Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (1-илова):

8-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

24-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

27-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади»;

б) Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (2-илова):

9-банднинг «б» кичик бандидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

22-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 18-банднинг биринчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак»;

в) 19-банддаги «бир ҳафта» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг учинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 13-банднинг тўққизинчи ва ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирдаги тўққизинчи хатбоши сифатида баён қилинсин:

«Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 119-модда) билан тасдиқланган Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

